



Бизлар хозирги кунда Россия давлатининг Москва вилоятида Ўзбекистон ва Киргизистон Республикасидан келиб ишлаётган мусулмонлармиз. Шу ерларда 1-2 йилдан бери ишлаб, хар хил харом ишлар ва харом емишлардан ўзимизни саклаб, ибодатларимизни давом эттироқдамиз.

Олдин у ердаги хамма биродарларнинг эшитишлари бўйича, «мусоғир юртда халол хайвонларнинг гўшти истеъмолга халол», деган фатволарни хамда Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайхи васалламга бир насрония аёл томонидан кўй гўштидан тайёрланган таом берилганлиги ва Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайхи васаллам ушбу таомни еганлари хакида, яъни—ахли китоб томонидан сўйилган халол хайвоннинг гўшти халолдир, деган хадисни эшитганимиз.

Лекин, айрим биродарлар мусулмонларга «бисмиллоҳ»сиз сўйилган хайвонни гўшти харомдур, шунингдек, Россияда хайвонларни сўйиш ўрнига уларни «электр токи» билан ўлдирилади ва бу билан хайвонлар ўлимтик, яъни харом хисобланиб колади, деб, муқаддас китоблардан оятларни келтиришяпти. Шунинг учун, айрим болалар 3-4 ойдан бери умуман гўшт емай кўйишиди.

Юкоридагиларга кўра, хозирги кунда бар-чамизни кизиктирадиган асосий саволимиз шуки, мусоғир юртда гайридинлар томонидан «бисмиллоҳ»сиз сўйилган ва супермаркетларда сотилаётган халол хайвонларнинг гўшти бизларга истеъмол учун халолми ёки харомми? Бизлар кандай йўл тутсак, яхшиrok бўлади?

ЖАВОБ (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф): Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм Аввало, мусоғир юртларда юриб, дин кайгусини килганингиз, халолни излаганингиз учун барчангизга ташаккур. Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдамчингиз бўлсин!

Электр токи билан ўлдирилган хайвон харомлигига шубха йўк.

Файридинлар томонидан сўйиладиган, кўй, эчки каби биз учун асли халол бўлган хайвонлар гўшти хакида батафсилрок гапиришга тўғри келади.

Ахли китобнинг сўйгани халол бўлиши «Моида» сурасидаги:

«Бугунги кунда сизларга барча пок нарсалар халол килинди. Китоб берилганларнинг таоми сиз учун халолдир. Сизнинг таомингиз улар учун халолдир» (5-оят) ояти каримасига биноандир.

Мусулмон ва ахли китоблардан бошкаларнинг, жумладан, муртад ва динсизларнинг сўйиши хам харомдир.

Мажусий ёки муртад овлаган балик ва чигиртка халолдир. Чунки, у нарсаларга «Бисмиллаҳ» айтиш шарт эмас.

Уламоларимиз хайвон сўйиш хукмига оид барча ояти карима ва хадиси шарифларни синчиклаб ўрганиб чикканларидан кейин сиз билан бизга уларни киска ва тартибли равиша баён килиб берганлар. Келаси сатрларда ўша маълумотлардан баъзиларини эътиборингизга хавола киламиз.

- 1) сўювчилар уч кисмга таксимланади;
- 2) сўйиши халол бўлганлар;
- 3) сўйиши харом бўлганлар;
- 4) сўйиши хакида ихтилоф бўлганлар.

«Сўйиши халол бўлганлар» бир канча сифатларни ўзида жамлаган сўювчилардир: Мусулмон, болиг, окил, эркак ва намозхон сўювчилар энг афзал сўювчилар хисобланадилар.

«Сўйиши харом бўлган сўювчилар» куйидагилардан иборат:

Ахли китоб бўлмаган кофир, мушрик, васаний – бутпараст, динсиз, муртад ва зиндик сўювчиларнинг сўйишини еб бўлмайди.

«Сўйиши хакида ихтилоф бўлган сўювчилар» куйидагилар:

1. Ахли китоб сўювчилар.

Улар яхудий ва насоролардир. Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг таъбирлари ила айтганда, «яхудий ва насронийларнинг сўйишлари уларнинг Таврот ва Инжилга иймон келтирганлари учун халол килингандир».

Ахли китобларнинг ўз шариатларида «халол» деб эътиқод киладиган нарсалари бизга харом килинмаган бўлса, жоиздир, агар Аллоҳнинг исмини айтилгани маълум бўлмаса хам, канисаларига ёки ийдларига атаб сўйилган бўлса хам. Агар насроний Масийхнинг номи билан, яхудий Узайрнинг номи билан сўйса, бизга халол бўлмайди.

Аммо Моликий ва Шофеъий фукахолар баъзи холатларда мазкур хукмларга хилоф киладилар.

2. Мажусий сўювчи.

Мажусийлар ахли китоб бўлмаганлари, мушрик бўлганлари учун, уларнинг сўйишлари халол хисобланмайди.

3. Аёл сўювчи.

Исломда аёл кишининг латофатига зид бўлган, уларнинг макомларига, хурматларига тўгри келмайдиган ишларга аёлларни таклиф килинмаган.

Аммо, аёл кишининг сўйган сўйиши, агар аёл хайз кўрган холда бўлса хам, жоиз.

4. Ёш бола сўювчи.

Агар ёш бола ўсмир бўлиб, ок-корани ажратадиган ва ишларнинг фаркига борадиган бўлса, сўйиши халол.

Аммо, ёш бола кичкина бўлиб, нарсаларнинг фаркига бормайдиган бўлса, жумхур фукахолар наздида, сўйиши халол эмас.

Чунки, унинг касди йўқ, «Бисмиллах»нинг фаркига бормайди ва сўйишни эплай олмайди.

Шофеъийлар бу масалада жумхурнинг гапидан бошка гапни айтганлар.

5. Мажнун сўювчи.

Мажнун кишининг сўйган гўшти, жумхур уламолар гапи бўйича, халол бўлмайди.

Шофеъийлар бу масалада хам жумхурнинг гапидан бошка гапни айт-ганлар.

6. Маст сўювчи.

Маст кишининг сўйган гўшти, жумхур уламолар гапи бўйича, халол бўлмайди.

Шофеъийлар бу масалада хам жумхурнинг гапидан бошка гапни айт-ганлар.

7. Ўгри сўювчи.

Бирор бошка одамнинг хайвонини ўгирлаб сўйса, ўша хайвоннинг гўшти бошкаларга халол бўлади.

8. Куч билан тортиб олувчи сўювчи.

Бирор бошка одамнинг хайвонини зўравонлик килиб, куч билан тортиб олиб сўйса, ўша хайвоннинг гўшти бошкаларга халол бўлади.

9. Мажбурланган сўювчи.

Бир кишининг хайвон сўйиш нияти йўк бўлса хам бошкалар уни мажбурлаб сўйдирса, мазкур мажбурланган шахснинг сўйган сўйиши халол хисобланади.

Ушбу охирги уч тоифа кишиларнинг сўйишлари жумхур фукахолар наздида халолдир.

Факат, айрим уламолар хилоф сўзни айтганлар.

Булар умумий маълумотлар. Сизлар ўзингиз ишлаётган ерга якин масжид ва мусулмонлардан ёрдам сўранглар. Улар сизларга ёрдам ва маслаҳатлар беришади, инشاаллоҳ. Валлоҳу аълам.